

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕРРОРИЗМ ХАВФИНING КУЧАЙИШИ

(Тожикистон ва Толибон муносабатлари мисолида)

**Раҳмонқулов Икромқул**

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг эркин изланувчиси

**Аннотация** «Толибон» ҳаракати иккинчи марта, яъни 2021 йилнинг август ойида Афғонистонда ҳокимиятни эгаллаганидан сўнг, собиқ афғон ҳукумати билан турли даражада ҳамкорлик муносабатларига эга бўлган Марказий Осиё давлатлари учун «афғон масаласи»да янги тенденциялар юза кела бошлади. Бу жараён Марказий Осиё мамлакатларининг «Толибон» ҳаракати билан дастлабки муносабатларини намоён қилиши билан шаклланди.

**Калит сўзлар:** *легитим, террорчи гуруҳлар, инсон ҳуқуқлари, Толибон*

Марказий Осиё мамлакатлари жанубий йўналишда ўз миллий манфаатлари талқини нуқтаи назаридан бир қанча тадбирга қўл урди. «Толибон» вакиллари Ўзбекистонга (юксак даражада) ва Туркменистонга (вазир ўринбосари мақомида) сафар қилди. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг расмий вакиллари турли даражада Кобулга ташриф буюрди<sup>1</sup>. Президент Ш.Мирзиёев Афғонистонни яққалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмаслиги,<sup>2</sup> Ўзбекистон ва ўзбек халқининг тинчлиги учун, «ким бўлишидан қатъий назар, исталган томон билан гаплашиши»ни маълум қилиб, толиблар билан юқори даражадаги музокараларни амалга ошира бошлади.

Бироқ Тожикистон томони, хусусан, президент Э.Раҳмон «Толибон»ни зулм ва зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаганликда, Афғонистондаги этник озчилик саналадиган миллатларнинг ҳуқуқларини таъминламасдан иш тутаётганликда айблаб келади. Шунингдек, у ўз чиқишларида толиблар

<sup>1</sup> <https://www.uzanalytics.com/siyosat/10328/>

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4633>

Афғонистон аҳолисининг 46 фоизини ташкил қилувчи (гарчи кўпчилик тадқиқотларчилар 20 фоиз деб ҳисобласа ҳам) этник тожикларнинг иштирокисиз муваққат ҳукуматни шакллантирганини танқид қилиб келади<sup>3</sup>. Шу билан бирга, Э.Раҳмон Афғонистон ичкарасида «Толибон»га амалий қаршилик кўрсатаётган қуролли гуруҳлар ва уларнинг хориждаги лидерларини қўллаб-қувватлашига оид маълумотлар дарий ва инглиз тилидаги таҳлилий нашрларда ёритиб келинади. Аксарият тадқиқотчилар ва таҳлилчилар президент Э.Раҳмоннинг «Толибон» ҳаракатига нисбатан ўта танқидий ва кескин позициясини «бутун тожиклар жамияти лидери сифатида ҳам халқаро, ҳам Тожикистон ичида ўзининг юксак мартабасини яратиш»га қаратилган ҳаракат сифатида қайд этган.

Ўз навбатида, «Толибон» Тожикистоннинг юқоридаги каби баёнотларига жавобан расмий тарзда босиқлик билан муносабат билдириб, кўшни давлат сифатида унинг ички ишларига даҳл қилмаслигини таъкидлаб келсада, турли манбалар орқали таҳдидли баёнотлар ҳам бериб келмоқда. «Толибон» Тожикистондаги жорий ҳукуматга қарши позициядаги Афғонистонда фаол бўлган қуролли жангари гуруҳларни қўллаш, янгиларини ташкил қилиш ёки тожикистонлик диний радикализм таъсиридаги ёшларни террорчи ташкилотлар сафига жалб қилиш орқали икки давлат чегара ҳудудларида ўта таҳликали вазиятни юзага келтира бошлади. Хусусан, «Толибон» ҳаракати назоратидаги нашрлар, толибларнинг айрим вакиллари ва минтақадаги ижтимоий сиёсий вазиятни ёритиб боровчи интернет сайтлари орқали:

➤ «Толибон»нинг юқори мартабали амалдори Абдулсалом Ҳанафийнинг Тожикистонни Афғонистоннинг ички ишларига

<sup>3</sup> <https://carnegieendowment.org/posts/2021/10/why-tajikistan-is-taking-a-stand-against-the-taliban?lang=ru&center=russia-eurasia>

аралашмасликка чақиргани, бундай ҳолат юз берган тақдирда жавоб чоралари қўлланишини айтгани<sup>4</sup>;

➤ толиблар «Мансурий» корпусининг ўнлаб махсус бўлимлари Тожикистон билан чегарадош бўлган Тохар вилояти ҳудудларига ўрнашаётгани<sup>5</sup>;

➤ мақсади Душанбедаги расмий ҳокимиятни ағдариш бўлган «Ансоруллоҳ жамоати» номли террорчилик ташкилотининг (таркиби асосан тожикистонликлардан иборат) кучлари Тожикистон чегарасига яқин ҳудудлар саналидиган Афғонистоннинг Бадахшон вилоятида тўпланаётгани<sup>6</sup>;

➤ 2022 йил июль ойида Афғонистонда «Тахрике Толибон Тожикистон» террорчи гуруҳи вужудга келгани ва унга тожикистонлик М.Шарипов (тахаллуси Махдий Арсалон) бошчилик қилаётгани<sup>7</sup>;

➤ бошқа террорчи гуруҳлар сафига тожик фуқаролари фаол келиб қўшилаётганига оид тезкор маълумотлар ижтимоий тармоқлар ва инсайд манбалар орқали тарқатилди.

Минтақадаги сиёсий жараёнларни шарҳлаб борувчи таҳлилчиларнинг фикрича, «Толибон» Афғонистон шимолида таркиби асосан минтақавий жангарилар, яъни марказий осиелик фуқаролардан иборат террорчи гуруҳлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, уларни молиявий қўллаб келади. Шу орқали Тожикистонга таъсир кучини кўрсатишга уриниб келади.

«Толибон» ушбу таҳдидли баёнотлар орқали реал вазиятни тақдим қилгани, ҳақиқатан ҳам Тожикистон билан чегарада толибларнинг қўллови остида террорчи гуруҳлар фаол ҳаракатда эканини англаш мумкин. Бироқ «Тахрике Толибон Тожикистон» террорчилик гуруҳи афғон-тожик чегарасида

<sup>4</sup> <https://www.aljazeera.com/news/2021/10/20/russia-hosts-taliban-for-talks-but-warns-no-recognition-for-now>

<sup>5</sup> <https://thefrontierpost.com/taliban-issue-warnings-to-tajikistan/>

<sup>6</sup> <https://thediplomat.com/2023/12/tajikistan-and-the-taliban-a-lone-voice-in-central-asia/>

<sup>7</sup> [https://www.ng.ru/kartblansh/2022-07-20/3\\_8491\\_kb.html](https://www.ng.ru/kartblansh/2022-07-20/3_8491_kb.html)

«янги қуролли актор» сифатида кўрилмаётган ўринлар мавжуд. Унга кўра, «Толибон» раҳбарияти ушбу чегара ҳудудида аввалдан фаол бўлган минтақавий жангари гуруҳлар номини ўзгартирди (ребрендингни амалга оширди). Яъни, уларни «Таҳрике Толибон Тожикистон» номи остида бирлаштирди<sup>8</sup>.

Бандан ташқари, «Толибон» 2022 йил май ойида провокацион тарзда Афғонистон ҳудудидан Тожикистон томонга снарядлар учуриш ҳолатини<sup>9</sup> уюштирди. Бунга жавобан, Тожикистон ўз чегараси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Афғонистон томонидан юзага келиши мумкин бўлган таҳдидга тайёргарлик сифатида ҳарбий ўқув машғулотларни кучайтирганига ишора қилувчи ҳаракатларни амалга оширди. Жумладан, 2021 йил октябрь ойида Россия ва Тожикистон Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти доирасида «Ҳарбмайдон» полигошида «Жанговар биродарлик - 2021» кўшма тезкор-стратегик машғулотлари («Эшелон-2021», «Қидирув-2021», «Ўзаро ҳамкорлик-2021»), 2022 йил август ойида чегара хавфсизлиги ва чегарани кўриқлаш бўйича кўникмаларни оширишга қаратилган «Рубеж-2022» операциясини ўтказган.

«Толибон» ва Тожикистон муносабатларида хавфсизликка таҳдид йўналиши ҳозирда энг долзарб муаммолардан бири сифатида сақланиб турибди. Икки томонлама ҳарбий-сиёсий таранглик, яъни толиблар Афғонистоннинг шимолий вилоятлари ҳудудида ричаг сифатида Тожикистонга мухолиф кайфиятдаги жангари гуруҳлари кўллашда давом этиши минтақада экстремистик гуруҳлар фаоллашиши, террорчиликнинг минтақага тарқалиши, Афғонистон билан чегарада таҳдид кучайишини

<sup>8</sup> <https://www.cacianalyst.org/publications/analytical-articles/item/13750-tajikistan-faces-threat-from-tajik-taliban.html>

<sup>9</sup> <https://www.cacianalyst.org/publications/analytical-articles/item/13750-tajikistan-faces-threat-from-tajik-taliban.html>

вужудга келтиради. Бу таҳдидлар бевосита Ўзбекистонга ҳам таъсир қилиши мумкин. Хусусан:

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1 Темур Умаров, Один против «Талибана». Зачем Таджикистан конфликтует с новыми властями Афганистана, Аналитический центр Фонд Карнеги (Carnegie Endowment for International Peace), 21 октябрь, 2021. // Электрон ресурс // <https://carnegieendowment.org/posts/2021/10/why-tajikistan-is-taking-a-stand-against-the-taliban?lang=ru>

2 Lynne O’Donnell, Al Qaeda Is Back—and Thriving—in Afghanistan, Foreign Policy, March 22, 2024. // Электрон ресурс // <https://foreignpolicy.com/2024/03/22/al-qaeda-taliban-afghanistan-gold-mining/>

3 طالبان تاجیکستان اعلام موجودیت کرد, KhabarOnline, July 24, 2022. // Электрон ресурс // <https://www.khabaronline.ir/amp/1654401/>

4 Elia Preto Martini, The Taliban’s return, broken promises, and evolving Central Asian ties, Diplomatic Courier, May 7, 2024. // Электрон ресурс // <https://www.diplomaticcourier.com/posts/talibans-broken-promises-evolving-central-asian-ties>